

«Уни ейиш ҳаром қилинди, холос», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу қилаётган бу ривоятда зикр қилинган Маймуна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари Маймуна бинти Ҳорис онамиздирлар.

У кишининг бир озод қилган чўрилари бор эди. Ўша аёлга закотдан тушган қўйлардан бири берилган экан. Мазкур қўй ҳаром ўлиб қолибди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ҳаром ўлган қўйнинг ётганини кўриб қолибдилар-да:

«Бунинг терисидан манфаатлансангиз-чи!» дебдилар.

Яъни, манфаатланинглари, деганлар. Аммо қўй ҳаром ўлган эди. Ҳаром ўлган ҳайвон эса нажас ҳисобланади. Унинг териси ҳам нажас бўлиши керак. Нажас нарсадан қандай фойдаланиш мумкин?

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан юқоридаги сўзларни эшитган саҳобаларнинг хаёлидан шу фикрлар ўтган ва:

«Улар: «Бу ўлимтиқдир», деганлар.

Яъни, бу қўй ҳаром ўлган-ку, унинг терисидан қандай фойдаланиб бўлади, деганлар. Шунда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни ейиш ҳаром қилинди, холос», дедилар».

Яъни, ҳаром ўлган қўйнинг гўштини емоқ ҳаромдир, аммо унинг терисидан фойдаланса бўлаверади. Ҳаром ўлган ҳайвоннинг терисидан фойдаланиш қайси йўл билан ҳалол бўлиши кейинги ривоятлардан маълум бўлади.

دَقْفٌ بَاهٍ اِلَّا غَبْدًا اِذَا لُقِيَ مَسَّوْهُ لَعَلَّه لَلَّ اِلَّا لَوْ سَرُّتْ عَمَّسَ لَاقُوهَ عَوَّ
يُرَاجُّ بِلَّ اِلَّا لَوْ سَمَّخُ لَوْ هَاوَرَ. رُطَّةٌ دَقْفٌ غَبْدٌ بَاهٍ اِمِّيَّ اِيَّ اَوْرِي فَو. رُطَّةٌ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«У киши «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Ошланмаган тери ошланса, батаҳқиқ, пок бўлур», деганларини эшитганман», деганлар».

Бошқа бир ривоятда:

«Қайси бир ошланмаган тери ошланса, батаҳқиқ, пок бўлур», дейилган.

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Демак, тери ошлаш билан пок бўлар экан. Ошлаб, пок қилиб олгандан кейин ундан турли мақсадларда фойдаланса, бўлаверади. Фақат одамнинг териси ва асли нажас бўлган чўққанинг териси бундан истисно қилинган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди